



НИЁЗ МУҲАММАД ХЎҚАНДИЙ  
**ИБРАТУЛ ХАВОҚИН**

---

НИЁЗ МУҲАММАД ХУҶАНДИЙ

# ИБРАТУЛ ХАВОҚИН

*(Тарихи Шаҳрухий)*



Тошкент  
«Turon zamin ziyo»  
2014

**УЎК: 726.82**  
**КБК 63.3(5У)**  
**Ҳ-87**

**Ибратул хавокин / Ниез Муҳаммад Хўқандий, (Та'рихи Шаҳрух**  
**– Т : «Tugon zamin z**

**2014 – 700 б.**

**ISBN 978-9943-335-56-1**

Мазкур китоб Қукон хонлиги тархнавислиги мактабида салмоқли ўрин эгачи ган “Ибратул хавокин” (Хоқонларга ибрат), бироқ “Тарихи Шаҳрухий” номи шуҳрат топган манбаининг таржимасидан ибрат Мазкур асар Қукон хонлар хайти ва фаолиятлари билан боғлиқ булгани учун унда хонликнинг охириги дорлари Худоёрхон ва Насриддинхоннинг авлодлари хақида ҳам генсалоги жаравий) маълумотлар келтирилади Ушбу маълумотлар шажаравий тарихи ликда муҳим илмий йуналиш ҳисобланади.

Асар Ўзбекистон тарихи ва маданияти, манбашунослиги ва тарихшуносли бек халқининг давлатчилиги тарихи, уч хонлик тарихи ва маданияти билан ки ган мутахассислар, тарихчилар, филологлар ҳамда кенг илмий жамоага мулжал

**УЎК:**  
**КБК 6**

**Тожиқ тилидан таржимон, ўзбек тилидан таъдил,**  
**кириш ва изоҳлар муаллифи**  
***тарих фанлари доктори, профессор Ш Воҳидов***

**Расмларни**

**Ш Воҳидов ва Ш.Умаров танлаган**

**Масъул муҳаррирлар:**

**Хондамир Қодирий, Шодмон Воҳидов**

**Тақризчилар:**

**Р.Э. Холикова, тарих фанлари доктори, профессор**

**Б.Ж. Эшов, тарих фанлари доктори, профессор**

**ISBN 978-9943-335-56-1**

**© Шодмон Воҳидов, Шоҳрухбек Ум**  
**© «Tugon zamin z»», Тош**



## СУЗ БОШИ:

### Шохрухбийдан Шохрухбеккача бўлган тарих (1709–2014 йиллар)

*(Ниёз Муҳаммад Хўқандий ва унинг «Ибратул-хавоқин»  
(Тарихи Шохрухий) асари ҳамда Худойёрхон ва унинг авлодлари  
тарихи ҳақида китоб)*

**К**ўкон хонлиги Марказий Осиёда шаклланган ва узоқ муддат минтақанинг сиёсий, иқтисодий-ижтимоий ва маданий ҳаётида муҳим ўрин тутган учта хонликлардан биридир. Бу хонликга 1709 йили минг сулоласининг пешвоси Шохрухбий асос солган. Шохрухбийнинг ворислари Қўкон хонлигида 1876 йилнинг феврал ойигача ҳукмронлик қилганлар. Айни шу вақтда хонлик Россия империяси қўшинлари томонидан бутунлай босиб олиниб, унга барҳам берилди.

Қўкон хонлигининг ўтмиши ва тарихига оид маҳаллий муаллифларнинг асарлари анчагина. Улар ўзбек ҳамда тожик тилида ёзилган. Бу тарихий манбаларда хонлик тарихининг турли жиҳатлари кенг ёритилган бўлиб, улар асосан мустақиллик йилларида ўрганилиб, илмий муомалага киритилмоқда.

Илмда энг кўп ўрганилган, бироқ ўзбек тилига таржима этилмаган асарлардан бири “Тарихи Шохрухий” ҳисобланади. Мазкур асарнинг муаллиф қўлёзмаси нусхаси топилши биланок уни ўзбек тилига таржима этишга киришдик.

Мазкур асарнинг қўлёзмасини 1876 йили рус олими Н.Н. Пантусов Қўконда топган ва унинг икки нусхасини генерал Г.А. Колпаковский сотиб олган. Унинг бир нусхаси тўлиқ эмас, иккинчиси эса, муаллиф қўлёзмасининг биринчи варианты экани маълум бўлди. Тадқиқот шуни кўрсатдики, бу асарнинг асл номини муаллифи тошбосма нашридан кейин “Ибратул-хавоқин” (“Хонларга ибрат”) деб атаган. Бироқ, у хозиргача “Тарихи Шохрухий” номи билан аталиб келган ва шу ном билан 1886 йили Қозон шаҳрида Н.Н. Пантусов тарафидан тошбосма шаклида ҳам чоп этилган. Барча олимлар ва тадқиқотчилар орасида мазкур “Ибратул-хавоқин” асари “Тарихи Шохрухий” номи билан (асарнинг биринчи фасли номидан олинган ҳолда) шуҳрат топган.

Асар муаллифи. «Ибратул-хавоқин» асарининг муаллифи Мулло Ниёз Муҳаммад Хўқандий (тахаллуси Ниёзий ва Икромий) мулло Ашур Муҳаммад оиласида, барча олимларнинг тахминича, 1804-1805 йили таваллуд топган. Унинг бобоси Ғарибдўст Каротегин тожикларидан бўлиб, Норбўтахон (1770–1798 йил) кўшинида хизмат қилган. Ниёз Муҳаммаднинг отаси, амакиси ва акалари ҳам Қўқон хонларининг кўшинларида ҳарбий хизматда бўлганлар. Тарихчи Ниёз Муҳаммаднинг бобоси Ғарибдўст ясовул 1821 йилнинг бошларида Жиззах юришида иштирок этиб, ҳалок бўлади.

Ниёз Муҳаммад ҳам ҳарбий хизматга ўтишидан олдин Қўқондаги Ҳаммом мадрасасида таълим олади. У домулло Ориф Пискабийнинг ўғли Махдуми Ҳаммомнинг шогирди бўлган. «Тарихи Шохрухий» маълумотларига қараганда, Ниёз Муҳаммад нақшбандия тариқати-га кирган солиқ бўлиб, домулло Махдумнинг муридларидан бўлган. Домулло Махдум эса домулло қози Бобойи аъламнинг отаси бўлган. Домулло Махдум ўша вақтларда Фарғонанинг энг машҳур муршид ҳазрати Соҳибзоданинг (ваф. 1869) муридларидан бири эди.

Ниёз Муҳаммад Қўқон ҳукмдорларининг кўп ҳарбий юришларида қатнашиб, 1860 йилларнинг ўрталарида ҳарбий хизматдан четлашади ва атторлик билан шуғулланади<sup>1</sup>. Қозогистонлик олим Т.К. Бейсембиев жамлаган маълумотларига таяниб, Ниёз Муҳаммад тахминан 1877 йили оламдан ўтган, деб кўрсатган. Бирок, қўлимизда бўлган муаллиф нусхасида Ниёз Муҳаммад 1889 йили ҳам гирик экани маълум бўлади.

«Ибратул-хавоқин» маълумотлари орқали биламизки, Ниёз Муҳаммад фозил ва донишманд киши саналиб, замонасининг илму маданиятидан баҳраманд бўлган олим ва шоир эди. У ёзиб кетган тарихий асарлар Қўқон тарихнавислик мактаби аҳамиятини баҳолашда муайян аҳамиятга эга.

«Ибратул-хавоқин» ҳижрий 1288–1307, милодий 1871–72/1889–1890 йили тожик ва ўзбек тилларида Худоёрхон фармони билан ёзилгани маълум бўлди. Н.Н.Пантусовнинг тахминича, Ниёз Муҳаммад ўз асарининг биринчи нусхасини Худоёрхон буйруғи билан қайтадан таҳрир қилиб, иккинчи нусхасини ҳам тузган. Н.Н.Пантусов таъбирича, асарнинг биринчи нусхаси анча объектив ёзилган асар бўл-

<sup>1</sup> Аваз Муҳаммад Аттор Хўқандий. Тарихи жаҳоннамой. II жилд / ЎзРФАШИ фонди. – №9455. 76<sup>б</sup> варақ; Бейсембиев Т. К. Тарихи Шахрухи – как исторический источник. – Алма-Ата, 1987. – С. 29.



ган<sup>1</sup>. «Тарихи Шоҳрухий» тадқиқотчиси Т.К.Бейсембиев хулосасига қараганда, Ниёз Муҳаммад асарни хон руҳи ва талабига мослаб ёзишда моддий рағбатлантиришни ҳам кутган бўлиши мумкин. Қўлимиздаги асар нусхасидан маълум бўладиги, Мулло Ниёз Муҳаммад ўз асарининг учинчи вариантини ҳам тузган.

Асар нусхалари. «Тарихи Шоҳрухий» ёки «Тарихи Шоҳрухия» номи билан илмда шуҳрат топган «Ибратул-хавоқин» асарининг тошбосма нусхасидан ташқари 12 та нусхаси мавжуд. Улар Санкт-Петербург, Қозон, Тошкент, Душанбе, Париж кутубхоналарида ҳамда шахсий фондларда сақланади. Мазкур нусхаларнинг тавсифини Т.К. Бейсембиев ўз тадқиқот ишларида ва китобида берган (С.34–39). Бирок, қўлимиздаги нусха бирор-бир каталог ва илмий тадқиқотларда қайд қилинмагани боис, унинг тавсифини қуйида берамиз.

«Ибратул-хавоқин» асарининг мазкур нусхасини 2006 йили, мен – Шодмон Воҳидов, Наманган шаҳрида тарих фанлари доктори, профессор Зоир Чориев таклифига кўра сотиб олганман. Ҳозир ҳам мазкур нусха марҳум олимнинг кутубхонасида сақланади.

«Ибратул-хавоқин» асарининг мазкур янги нусхаси, муаллифи дастхати бўлиши мумкин. Асар қўлёзма китобнинг ўргаларидан бошлаб кўчирилган. Китоб бошларидаги 85 варақда турли ёзув ва қайдлар, баёзга ментзаган турли шоирларнинг шеърлари ва латифалар кўчирилган. Хати настаълик, темир қалам билан рус фабрика қоғозиде (Успенская фабрика, №7), қора сиёҳда кўчирилган. Баъзи ажратилган сўз ва жумлалар кизил рангда. Саҳифада 19 сатр. Матн 16x11,5. Қоғози 22x17,5. Пайгирлари мавжуд. Муқоваси мағзий (картон)дан. Қорамтир абрий қоғоз билан рўқач қилинган. Жами 128 варақ. Ўртада бир варақ тушиб қолган. Мазкур нусхада мавжуд бўлган муқаддима бошқа бирор-бир нусха ёки тошбосма нусхасида йўқ. Айни шу нусхада асарнинг «Ибратул-хавоқин» деб номланишини муаллиф алоҳида кўрсатган. Бундан ташқари, мазкур нусхада муаллиф хижрий 1307/1889–1890 йилгача ҳаёт эканини билиш мумкин. Муқаддимада муаллиф: "... бу қисқа идрокли ноқис ... банда бу фаррухобод Тўрон мулки султонлари аҳволлари ва ахборлари ва улар замонида рўй берган ходисаларни ва, айниқса, Норбўтахон замонидан то ушбу хижрий бир минг уч юз еттинчи йилгача, камина зоҳир кўзи ва ҳозир қулоғи билан кўриб-эшитган нарсаларини ва уларнинг қиссаларини варақлар саҳифаларига битиб, китобат тизимига терди", деган эътирофидаёқ асар

<sup>1</sup> Пантусов Н.Н. Теварихи-Шаҳрухис // Туркестанские ведомости, 1876. – 30. – С.



тошбосма нашридан сўнг ҳам қайта-қайта таҳрир қилинганини фахм-лаймиз. Бирок, ушбу нусхада ҳам воқеалар баёни 1871 йил воқеалари, Урмовбекнинг тўйи насфи билан тугаган. Айни шу маълумот асар муаллифининг туғилган йили анча кейин эканинига далолат қилади.

2012 йили узоқ бир қариндошимиз бобосидан қолган бир ўрам эски қўлёзма ва тошбосма китобларни сотиш учун менга олиб келди. Уларнинг ичида “Тарихи Шоҳрухий” асарининг 1878 йили нашрга тайёрланган ва китоб шаклига келтирилган корректура нусхаси ҳам бор эди. Асарни таҳрир қилган шахснинг имзоси асосида, унинг номи ва исми шарифидан фақат И. Готвальдиги маълум<sup>1</sup>. Асарни таҳрир қилган киши (цензор) жуда ҳам саводли ва таҳрир иши юқори даражада бажарилгани асарнинг саҳифаларидан кўзга ташланади. Хатолар ва кўзга ташланган камчиликлар ҳошияда кўрсатилган ва “тўғрилансин ва чоп этилсин” деган ёзув ва имзода вақт-вақти билан таъкидланган. 320 бетдан иборат асарнинг охириги бетлари йўқолган. Мазкур нусханинг титул ва рағида “800 нусхада босилсин” ҳамда “Бу китоб босмасина руҳсат берилди август 21 кунида 1878 йил” деган ёзув ҳам бор. Бирок, ушбу матнни ким нашрга тайёрлагани маълум эмас. 1878 йилдаги матнни Н.Н. Пантусов нашри билан солиштирилганда нашр билан ушбу матн бир хил экани маълум бўлди. Худди шундай босмага тайёрланган нусха Қозон университети кутубхонасида “Готвальд, 39” шифри билан сақлангани маълум<sup>2</sup>. Шуниси ҳам маълумки, Н.Н. Пантусов нашрида хатолар жуда кўп. Таҳрирда кўрсатилган қўл хатоликлар такрор келган.

Бирок, қўлимиздаги Зоир Чориев кутубхонасидаги “Ибратул-хавоқин” (Тарихи Шоҳрухий) нусхаси тошбосма вариантдан анча фарқ қилади. Тошбосма ва қўлёзма нусхалари асосида мазкур асарнинг илмий-танқидий матнни тайёрлаш зарурлиги долзарб бўлиб қолмоқда.

Урганилиши Қўқон тарихнавислик мактаби асарлари ичида бироз чуқурроқ илмий муомалага киритилган асар «Ибратул-хавоқин» бўлади. Бу асарнинг тадқиқотчилар орасида кенг шуҳрат топишига асосий сабаб, Қўқон тарихчишарининг кўп асарлари илмий муома-

---

<sup>1</sup> Готвальд И.Ф. рус шарқшуноси, Қозон университетининг профессори (1813–1897). У Қозон университетининг босмахонасида араб ёзувидаги китобларга муҳаррир-цензор ҳам булгани маълум бўлади.

<sup>2</sup> Қаранг: Бейсембиев Т. К. Тарих-и Шаҳрухи как исторический источник. – Алма-Ата: Наука, 1987. – С.35.



лага киритилмасдан 120 йилча олдин, яъни 1886 йили Н.Н.Пантусов Қозонда тошбосма усулида нашр қилганидадир. Шунинг учун ҳам аксар олимлар айни шу нашрдан фойдаланганлари маълум бўлади. Асарнинг шу нашри ва бошқа кўл ёзма нусхаларидан олимлар – Н.Н.Пантусов<sup>1</sup>, Д.Ч. Боулжер (D.C.Boulger)<sup>2</sup>, В.В.Бартольд<sup>3</sup>, Н.Г.Малицкий<sup>4</sup>, М.А. Терентьев<sup>5</sup>, В.Наливкин<sup>6</sup>, Н. Веселовский<sup>7</sup>, Л.А. Зимин<sup>8</sup>, А.З.Валидов<sup>9</sup>, П. Солиев<sup>10</sup>, П.П. Иванов<sup>11</sup>, Н.А. Кисляков<sup>12</sup>,

<sup>1</sup> Пантусов Н. О податях и повинностях существовавших в бывшем Кокандском ханстве в последнее время правления Худаярхана. // Туркестанские Ведомости – № 13. 1876.; Шу муаллиф. Податные сборы в Коканде // ТВ, 1876. – №13.; Шу муаллиф. Сборы и пошлины в бывшем Кокандском ханстве. // ТВ, 1876. – № 17; Тарихи Шахруҳие. // Туркестанские ведомости, 1879. – 50 (Известия и заметки) Таарих Шахроҳи. История владетелей Ферганы. Сочинение Моллы Ниязи Мухаммед бен Ашур Мухаммед, кохандца, изданная Н.Н. Пантусовым. – Казань, 1885.

<sup>2</sup> Boulger D.C. Central Asian portraits: the celebrities of the khanates and the neighbouring states. – London, 1880. P 168-178.

<sup>3</sup> Бартольд В.В. Туземцы о русском завоевании / Сочинение. Т. II. Ч.2. – Москва: Наука, 1964. – С. 333-349. Шу муаллиф. Извлечение из Та'рих-и Шахруҳи / Сочинение. Т. II. Ч.2. – Москва: Наука, 1964. – С. 351.; Шу муаллиф. Иран: исторический обзор / Сочинение. Т. I – Москва: Наука, 1971. – С.308.

<sup>4</sup> Малицкий Н. Несколько страниц из истории Ташкента за последнее столетие // ПТКЛА. Год третий 1898. – С.160-164, 176.

<sup>5</sup> Терентьев М.А. Загадочный таарих // ПТКЛА. Год IV. 1899. – С.85.

<sup>6</sup> Наливкин В. Краткая история Кокандского ханства – Казань, 1885. – С. 79.

<sup>7</sup> Веселовский Н. Рец. Краткая история Кокандского ханства. Составил В. Наливкин. Казань, 1886, VI+215 с. // ЗВОРАО – СПб., 1886. Т.I. Вып III. – С.227-228.; Шу муаллиф. Новые материалы для истории Кокандского ханства // Журнал Министерства народного просвещения. – СПб., 1886. Ноябрь Ч.248. – С.175-176.

<sup>8</sup> Зимин Л. А. Первые шаги Алимхана на государственном поприще // Протоколы Туркестанского кружка любителей археологии. Год 18-й. – Петроград, 1915. – С.106-108.

<sup>9</sup> Валидов А.З. Некоторые данные по истории Ферганы столетия // ПТКЛА. Год двадцатый. 1916. Вып.2. – С.84-85, 111.

<sup>10</sup> Səliyif Polət. Өzбекistan тарихи (XV-XIX-inci əsrlər). – Samarqand-Taskent, 1929. – С.107.

<sup>11</sup> Иванов П.П. Казахи и Кокандское ханство (К истории их взаимоотношений в начале XIX в.) // Записки ИВ АН СССР. Т. VII. – Москва-Ленинград, 1939 – С. 94, 103, 107, 110.; Шу муаллиф. Очерки по истории Средней Азии ( XVI – середина XIX в.в.). – Москва, 1958. – С. 231.

<sup>12</sup> Кисляков Н.А. Очерки по истории Каратегина: К истории Таджикистана. – Сталинабад-Ленинград, 1941. – С. 88, 90-91.; Шу муаллиф. Очерки по истории Каратегина: К истории Таджикистана. – Сталинабад, 1954 – С.51-53.





Б.Ф.Гафуров<sup>1</sup>, А.Р.Мухаммаджонов ва Т.Несьматов<sup>2</sup>, С. Жалилов<sup>3</sup>, Е.Б.Бекмаханов<sup>4</sup>, А.М.Мухторов<sup>5</sup>, В.М.Плоских<sup>6</sup>, А.Л.Троицкая<sup>7</sup>, Р.Н.Набиев<sup>8</sup>, А. Жувонмардиев<sup>9</sup>, В.А.Ромодин<sup>10</sup>, М.К.Кутлугов<sup>11</sup>, А. Тохиржонов<sup>12</sup>,

<sup>1</sup> Гафуров Б.Г. история таджикского народа в кратком изложении. Т.1. – Москва, 1952. – С. 490.; Шу муаллиф. История гаджикского народа в кратком изложении. – Москва, 3-е изд. 1955. – С.533.; Шу муаллиф. Таджикики – Москва: Наука, 1972. – 607

<sup>2</sup> Мухаммаджонов А.Р. ва Несьматов Т. Бухоро ва Хеванинг Россия билан муносабатлари тарихига доир баъзи манбалар – Тошкент, 1957. – С.214.

<sup>3</sup> Жалилов С. Из истории освоения земель восточных районов Ферганской долины (– начало XX века). Автореферат дисс. канд. ист. наук. – Ташкент: ИИ АН РУз. 1965. – С. 9.

<sup>4</sup> Бекмаханов Р. К. К истории взаимоотношений казахов со среднеазиатскими ханствами // Большевик Казахстана 1947 № 5 – С 5; Шу муаллиф. Казахстан в 20-40 годы XIX века. – Алмаата: Госиздат, 1947 – С.16, 156-158; Шу муаллиф. Очерки истории Казахстана XIX в. – Алмаата: Мектеп. 1966. – 191 С. Шу муаллиф. Присоединение Казахстана к России – Москва, 1957 – С. 99.

<sup>5</sup> Мухтаров А. Дильшод и ее место в истории общественной мысли таджикского народа в XIX – начала XX в. – Душанбе: Ирфон, 1969. – С.73.; Шу муаллиф. Очерк истории Ура-Тюбинского владения в XIX веке. – Душанбе: Изд-во АН Тадж.ССР, 1964. – С. 43-44.

<sup>6</sup> Плоских В. М. Киргизы и Кокандское ханство. – Фрунзе: Илим, 1977. – С 26-59

<sup>7</sup> Троицкая А.Л. Несколько документов по военному делу из архива кокандских ханов века / Восточный сборник. – Москва, 1972. Вып.3. – С.139.

<sup>8</sup> Набиев Р.Н. уникальный источник по истории Кокандского ханства // Известия АН Уз ССР, 1947. – №4. – С.34.; Шу муаллиф. Ташкентское восстание 1847 года и её социально-экономическое предпосылки. Ташкент: Фан, 1966, – С.14, 19, 29, 31, 55, 56, 71, 77, 78.; Шу муаллиф. Из истории Кокандского ханства (Феодалное хозяйство Худаярхана). – Ташкент: Фан, 1973. – С. 9, 32, 55-56, 58, 76, 106, 168, 199-200.

<sup>9</sup> Жувонмардиев А. Ҳарфлар ракамларга айлаганда. – Тошкент, 1966. – С. 26, 35, 36, 57.

<sup>10</sup> Ромодин В.А. и Контратьев А.А. Опыт сопоставления сведений из китайских, кокандских и русских источников по истории Киргизии // Советское востоковедение, 1958. – №4. – С.131. Мазкур асарни рус тилига В.А. Ромодин таржима қилгани ҳақида маълумот маъжуд. Қаранг: Плоских В. М. Киргизы и Кокандское ханство. – Фрунзе, 1977. – С.59.

<sup>11</sup> Кутлугов М. Взаимоотношения Циньского Китая с Кокандским ханством / Китай соседи. – Москва: Наука, 1982. – С.203.

<sup>12</sup> Тагирджанов А. Описание таджикских и персидских рукописей восточного отдела библиотеки ЛГУ. Т. 1. История, биографии, география. – Л.: Изд-во Ленинградского Университета. 1962 – С. 143-144.

А.П. Қаюмов<sup>1</sup>, Н.Д. Миклухо-Маклай<sup>2</sup>, Ч.А. Стори<sup>3</sup>, Б.А. Аҳмедов<sup>4</sup>, А. Набиев<sup>5</sup>, Б.В. Лунин<sup>6</sup> ва бошқалар<sup>7</sup> фойдаланган ёки уни тилга олганлар. Қозоғистон олими эса Т.К. Бейсембиев “Ибратул-хавоқин” устида махсус изланишлар олиб борган.

Бутун XX аср давомида Қўқон хонлиги тарихи билан машғул бўлган тадқиқотчилар, кўпинча шу асарнинг тошбосмасидан фойдаланганлар ёки унинг маълумотларини бошқа олимлар ишларидан олганлар. Т.К. Бейсембиев эса, ўзининг тадқиқотларида мазкур асарга биров ортиқча баҳо берган бўлса-да, уни таржима қилмаган. Асарнинг умумий мазмунини баён қилиш билан чекланган. Айтиш лозимки, “Ибратул-хавоқин” асарининг катта аҳамияти ва юқори мавқеини ўз вақтида В.В. Бартольд, Н.Маллицкий, Л.А. Зимин, Э.Хуршут ҳам шубҳа остига олган эдилар. Тадқиқотларнинг таҳлили, асарнинг таржимаси ва унинг маълумотларининг қиёсий ўрганилиши қисман бу шубҳалар асосли эканини кўрсатди.

Таъкидланганидек, Қўқон тарихнавислик мактабига мансуб бўлган бу асарнинг тошбосма нашри боис, у олимлар доирасида анча кенг тарқалишига сабаб бўлган. Бироқ, бутунги кунда Қўқон тарихнавислик мактабига доир бир қанча асарларнинг нашри, таржималари ва уларнинг устида олиб борилган тадқиқотлар “Тарихи Шохрухий”(Ибратул-хавоқин) асарининг қийматини анча пасайти-

<sup>1</sup> Қаюмов А.П. Қўқон адабий муҳити (XVIII – XIX асрлар). – Тошкент, 1961. – Б.312-313.

<sup>2</sup> Миклухо-Маклай Н. Д. Описание таджикских и персидских рукописей Института востоковедения. Вып. III. Исторические сочинения – Москва-Ленинград, 1975. – С.331-332.

<sup>3</sup> Стори Ч. А. Персидская литература. Био-библиографический обзор. В трех частях. / Перевод, дополнения, указатели Ю.Брегеля – часть 2. – Москва: Наука, 1972. – С.1197-1198.

<sup>4</sup> Аҳмедов Б. Историко-географическая литература Средней Азии XVI – XVIII вв (Письменные памятники). – Ташкент: Фан, 1985. – С. 127-129.

<sup>5</sup> Набиев А. Тарихий улқашунослик (Улқани урганишнинг асосий манбалари). – Тошкент, 1979. – Б.12

<sup>6</sup> Лунин Б. В. Средняя Азия в дореволюционном и советском востоковедении. – Ташкент: Фан, 1965. – С. 135-136, 233-234; Шу муаллиф. Жизнь и деятельность В. В. Бартольда / Средняя Азия в отечественном востоковедении. – Ташкент. 1981. – С. 45-46.

<sup>7</sup> Асарнинг ўрганилиши тарихи Т.К. Бейсембиевнинг курсатилган асари (34-39 бетлар) ҳамда Ш.Воҳидовнинг “Қўқон хонлигида тарихнавислик” (Тошкент: Академнашр, 2010. – Б.127-130) номли монографиясида янада кенгрок берилган.



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi  
<https://kitobxon.com/oz/asar/1664> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси  
<https://kitobxon.com/uz/asar/1664> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию  
можно найти на сайте  
<https://kitobxon.com/ru/asar/1664>